

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАВЖУД МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ  
САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ  
ОМИЛЛАР**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-50>

**Шермухамедова Озода Убайдуллаевна,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
мухандислари институти катта ўқитувчиси**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада бугунги глобаллашув жараёнида республикамиздаги мавжуд миллатлараро тотувликни ва бағрикенгликни сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш, мазкур жараёнга салбий таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган. Шунингдек, жамият беқарор ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишга доир амалий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ҳамда такомиллаштириб бориш зарурияти тўғрисида хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, миллат, миллатлараро муносабатлар, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, тенг ҳуқуқлилик, жамият, давлат, сиёсий вазият, ижтимоий тараққиёт, миллий ўзликни англаш.

**ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СОХРАНЕНИЕ И ДАЛЬНЕЙШЕЕ  
РАЗВИТИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ ГАРМОНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Шермухамедова Азада Убайдуллаевна,  
старший преподаватель Ташкентского института инженеров  
ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ)**

**АННОТАЦИЯ**


В данной статье рассматриваются факторы, которые негативно влияют в ходе сегодняшнего процесса глобализации, на процесс сохранения и дальнейшего развития межнационального согласия и терпимости в нашей стране. В статье также приводятся предложения о необходимости систематической реализации и совершенствования практических мер для устранения факторов, влияющие на благосостояние всего сообщества.

**Ключевые слова:** глобализация, нация, межэтнические отношения, межнациональная гармония, толерантность, равенство, общество, государство, политическая ситуация, социальное развитие, национальное самосознание.

**FACTORS AFFECTING THE PRESERVATION AND FURTHER DEVELOPMENT  
OF INTER-ETHNIC HARMONY IN UZBEKISTAN**

**Shermuxamedova Azada Ubaydullayevna,  
Head teacher of the Tashkent Institute of  
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers (TIAME)**

**ANNOTATION**



This article discusses the factors that negatively affect the process of preserving and further developing inter-ethnic harmony and tolerance in our country during the current globalization process. It also draws conclusions about the need for systematic implementation and improvement of practical measures to eliminate factors that adversely affect the well-being of the community.

**Key words:** globalization, nation, interethnic relations, interethnic harmony, tolerance, equality, society, state, political situation, social development, national self-consciousness.

Маданий ривожланиш ва маданий эҳтиёжларни қондириш инсон, жамият мавжудлигининг, ижтимоий тараққиётнинг шартидир. Зеро, миллат, халқ мавжуд экан ўз маданиятини ривожлантириши ва маданий эҳтиёжларини қондиришга доим эҳтиёж сезади.

Ўзбекистон ҳукумати маданиятда миллийлик ва байналмилаллик нисбатини тўғри олиб боришга алоҳида эътибор бераяпти. Бундай сиёсат мамлакатимизда истиқомат қилаётган кўплаб миллат ва элатлар томонидан қўллаб қувватланмоқда, келажакка умид бағишламоқда, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради.

Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Хабарингиз бор, яқинда (2018 йил 12 декабрь куни) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди.

Бизнинг таклифимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди” [1].

Лекин бу борада амалиётда ҳали қатор муаммолар ҳам мавжудлигини инкор қилиш мумкин эмас.

Биринчидан, жамият аъзолари ижтимоий онгидаги маъмурий-буйруқбозлик тузуми даврида шаклланган эскича фикрларни ҳамда истиклол даврида айрим кишиларда уйғонган маданиятни фақат миллий асосдагина ривожлантириш мумкин деган нотўғри ёндашишни бартараф этиш лозим.

Иккинчидан, маданий бойликларнинг Ўзбекистонни хорижга таништирувчи ролини тўғри англаш, уларнинг ўзига хос визит карточкаси (ташриф қоғози) эканлигини таъминлаш лозим. Фақат шу тарзда маданий бойликларимиз



интеграцияни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Учинчидан, тадбиркор, ишбилармонларнинг маданият, санъат соҳасига муносабатларини ўзгартириш, уларнинг сармоялари ҳисобига ўзбек маданиятини чет элларда тарғиб қилишга эришиш керак.

Маданий мерос – бу жамиятнинг тарихий тажрибаси, маданий ютуқлари, у ўлмас қадриятдир, чунки авлоддан авлодга ўтиб келадиган маданият унсурларини ўз таркибига олади. Б.С. Ерасов фикрича, маданий мерос билан «анъана» тушунчаларини фарқлаш зарур. Анъана деганда социум ёки маданиятнинг, улар ўтмишда бўлганлиги туфайли, у ёки бу унсурларини тиклаш зарурати билан боғлиқ тиклаш механизми тушунилади. Маданий мерос эса ўз мазмун-моҳиятига кўра кенгроқ тушунчадир, чунки у ўз ичига яратилган, аммо мазкур жамиятда бирон бир сабаб билан рўёбга чиқарилмаган нарсаларни ҳам олади. У доимий равишда расшифровка (кенгайтириб) қилиниб, кундалик тартиб-маросимларгамослаштириб борилади, бу эса унинг ижтимоий борлиқни янгилашнинг кудратли механизми эканлигидан далолат беради.

Истиқлол ўзбек ўз миллий адабиётини қайтариб берди. Коммунистик мафкуранинг жарчисига айланган “совет адабиёти” ўрнига ўзбек миллий адабиёти қаддини кўтарди, партиявий, синфий ёндашувлардан, мумтоз адабиётга нисбатан қўлланилган “диний адабиёт”, “феодал-клерикал адабиёт”, “сарой адабиёти” дейилган тушунчалардан, бир миллат адабиётини реакцион ва прогрессив оқимларга бўлиб ўрганишдан воз кечилди[2, 24].

Диний манбаларнинг, жадид адабиётининг сиёсий-мафкуравий ақидаларсиз ўрганилишига нисбатан бўлган муносабатнинг ижобий ҳал этилиши жамиятни маънавий жиҳатдан барқарорлаштиришга шарт-шароитлар яратди.


“Жаҳон адабиёти” журналининг таъсис этилиши адабий, маънавий ҳаётда катта аҳамиятга эга эди. Мазкур журнал 70 дан зиёд тиллардаги дурдона асарларни ўзбек тилига ўгирилган. Улар ичида Г.Лорка, Э.Хемунгэй, Ж.П.Сартр, А.Камю, Э.Бунюэль, З.Фрейд, Г.Миллер, Э.Эриксон, М.Мураками, О.Хаколи, Ф.Кафна, Д.Олдриж, Т.Уэллс, Г.Хаккард каби турли этномаданиятларга мансуб ижодкорларнинг асарлари бор.

Этномаданий плюрализмиллий анъаналар, урф-одатларда ва турмуш тарзларида ҳам намоён бўлади.

Миллий анъаналар – маълум бир халқ, миллат ва элатларга тааллуқли тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турларининг давом этиши билан характерланади. Улар турмуш тарзи, менталитети, маънавий олами, маданий бойлиқлар яратиш жараёнида тўплаган тажрибаларни, эришилган натижалар ва ютуқларни келгуси авлодларга етказиш усули ҳисобланади[4, 39].

Миллий анъаналарда миллатнинг бетакрорлиги, миллат ҳаётининг ўзига хослиги, ворисликнинг муҳим жиҳатлари намоён бўлади. Ҳар бир халқ, миллат ўз анъаналарининг соҳиби, уларнинг сақловчиси ва ривожлантирувчиси бўлиб, миллий анъаналар авлодлар руҳида ва турмуш тарзида яшайди. Миллий анъаналарнинг таназзули миллатнинг ҳам таназзулидир.

Собиқ СССР мафкуравий тазйиқлар остида миллий анъаналар “ўтмиш




қолдиқлари” сифатида баҳоланар, уларнинг бархам топиши тўғрисидаги ғайримиллий ва ғайриилмий ақидалар тарғиб қилинар эди. Мустақиллик даврида миллий анъаналарга, уларнинг ижтимоий-тарбиявий имкониятларидан миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва баркамол инсонни тарбиялашга эътибор кучайди. Бу табиий ҳолдир, чунки мустақилликнинг вазифаларидан бири – давлатга ном берган миллатни юксалтириш, дунёга танитиш, унинг кучини, салоҳиятини, қобилиятини, эзгу орзу истакларини рўёбга чиқариш ҳисобланади. Бундай олийжаноб вазифани миллий анъаналарни тиклаш, уларнинг ижтимоий-тарбиявий, маданий, маънавий имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали бажариш мумкин. Шу маънода миллий анъаналар ижтимоий ахлоқнинг меъёри, миллатнинг тарихини, ақл-заковатини, дидини, орзу истакларини ҳам ифода этади[3, 124-125].

Миллий анъаналар ўзига хос ва бетакрор воқеалардир. Масалан, эрнинг ўз рафиқасига ва рафиқанинг эрига, уларнинг биргаликда фарзандларига муносабати, қариндош-уруғчилик қоидалари, қавми-қариндошчилик расм-русумлари, қуда-андачилик, хашар, тўй-томошаларга боғлиқ саъй-ҳаракатлар, хотира, худойи, маросимлари, маҳалла-кўйчилик, келинга муносабат, келиннинг қайнона-қайнотага муносабати каби анъаналаримиз бизни ўзга миллатлардан ажратиб туради[5, 5-9; 117-128]. Шунинг учун ҳам Форобий фозил шаҳар - давлатда одамларни турли белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлади. Бироқ у кишиларнинг диний мазҳаби, миллати, ирқига эмас, балки табиий хусусиятлари, қобилиятларига, аввало, ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш, ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради.

Миллатнинг ўзлигини англаши унинг реал куч сифатида намоён бўлишининг асосий омилларидан биридир. Ўзлигини англаган миллат вакиллари ўзаро манфаатлар ва мақсадлар ягоналигини тушуниб етади ва мустаҳкам бирликка асос солади. Тўғри, миллат маълум бир умумийликлар асосидаги бирликни англатади. Лекин у қачонки ўзлигини англаб етгандагина тарихий субъект сифатида ўзини намоён қила олади. Ўзлигини англаган миллатгина ўз кадр-қимматини, обрў-эътиборини, ор-номусини ҳимоя қилиш учун ёки маълум бир қийинчиликларни енгиб ўтиш учун бирлашади. Ўзлигини англаган миллат ўзга миллатлар манфаатларининг мавжудлигини ҳам англайди, ихтилофлар ва низоларга олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмайди. Шунинг учун миллий ўзликни англаш полиэтник давлатларда этномаданий плюрализмнинг кўриниши, атрибути сифатида қаралади[6, 112-113; 346].

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий тараққиётнинг қайси бир қиррасига назар ташламайлик, уларнинг барчаси миллий ва миллатлараро муносабатларга боғлиқлиги ва алоқадорлигини кўрамай. “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”[1]. Шу боис бугунги глобаллашув жараёнида республикамиздаги мавжуд миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш, мазкур жараёнга салбий



таъсир этувчи омилларни бартараф этишга доир амалий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ҳамда такомиллаштириб бориш зарурияти сақланиб қолмоқда. Бунда республикамиздаги этник гуруҳлар миллий маънавиятлари тараққиётига кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, мазкур жараёнга глобаллашувнинг таъсирини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Миллатлараро муносабатлар шундай жараёнки, унда тенг ҳуқуқлилик, муроса, ҳамкорлик принципларига таянилади. Ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳалардаги ҳамкорлик ихтиёрийдир. Миллий ўзликни англашнинг ривожланиб бориши бошқа миллатлар манфаатларининг ривожланишига акс таъсир этмайди[3, 39]. Бу аввало жараён миллатлардаги бағрикенглик билан боғлиқ. Агар миллий ўзликни англаш бағрикенглик тамойилига зид бўлса, тор миллатчилик ёки этноэгоистик ғояларига берилса, у миллатлараро муносабатларнинг ривожланишига тўсиқ бўлади, жамиятда беқарорлик ҳамда фуқаролараро тўқнашувларнинг келиб чиқишига замин яратади. Шунинг учун полиэтник мамлакатларда бағрикенгликни шакллантириш катта аҳамият касб этади. Бағрикенглик этномаданий плюрализмнинг ижтимоий тараққиёт манфаатлари билан уйғун тарзда ривожланишига имкон яратади.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **Олий Мажлисга** Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
2. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007.
3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Тошкент: Шарқ, 1998.
4. Отамурадов С. Глобаллашув ва миллат.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
5. Қорабоев У.Х. Традиционное народное творчество: проблемы возрождения развития. –Тошкент: Фан, 1991; Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. –Тошкент: Фан, 2013.
6. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар.- Тошкент: “Akademiya”, 2007; Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. –Тошкент: Шарқ, 2012.